



ЭЗГУЛИК БУЛОҒИ СЎНМАГАН

Энг қутлуг кошоналаримиздан бири ҳисобланган Алишер Навоий номидаги театр биноси ўзи қад кўтаргандан буён бундай саховатли тadbирга қучоғини очмаган бўлса эҳтимолдан узоқ эмас. Ҳолбуки, бугун нарх-наво, бозор иқтисодиёти аталмиш очапатлар чўнтакларни роса қоқлаётгани туфайли одамларда меҳр-шафқат, ғамхўрлик туйғулари буткул таназзулга юз тутгандай туюлади.

Ўй. Муборак рамазон ойда Тошкент шаҳар милицияни қувватлаш жамғармаси ташаббуси билан шанба куни ўтказилган «Ўйқусиз тунлар» хайрия кечаси қалбларимиз муз қотмаганини, эзгулик булоғи сўнмаганлигини кўрсатди.

Саҳнасидаги дарпардага милицияни қувватлаш жамғармасининг таниқлиги (эмблемаси) осилган залга киришга ошқимдим. Болалари, рафиқалари билан ходимлар ҳамда куч-қувватининг қаймоғини жиноятчилик билан курашга сарфлаган фахрийлар ўтиб бораётган фойеда диққатимни чевар қўллардан чиққан турли буюмлар кўргазмаси тортди. Кеча очилишига хийла фурсат борлигидан фойдаланиб, уларнинг ижодкорлари билан қизиқдим.

Истаралари иссиқ икки аёл ўзларини 21-болалар уйининг директори Роза Налбандова, илмий бўлими мудири Валентина Қаюмова, деб таништирдилар.

— Тарбияланувчилари-


мизни Тошкент олий милиция мактаби оталиққа олган. Мактаб жамоасининг ғамхўрлиги ва эътиборини қуруқ сўз билан ифодалаш қийин. Бирон бир байрам йўқки, улар бизга ташриф буюришмаса, совға-салом келтиришмаса. Ҳатто бешта қорамол ҳади этишди. Милицияни қувватлаш жамғармаси (МҚЖ) билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатганмиз.

— Кўргазмадаги буюмларни сотилади, дейишмоқда...

— Ҳозирги аҳволни кўриб турибсиз. Кимошди савдосига қўйиб, шусиз ҳам тақдир зарбасига учраган болалар учун озмоз маблағ тўпламоқчимиз.

Кечада ҳаммаси бўлди. Жиноятчилик билан курашда ҳалок бўлганлар ёки бир умр ногиронлик азобини тортаётганлар номлари тилга олинди, касбини улуглаётган ходимлар саҳнада шарафланди. Кимошди савдосига болалар кўргазмасидаги буюмлар, видеомагнитофон, телефон ускунаси, чангютгич ва бошқа камёб моллар қўйилди.

Карнай-сурнай наволари билан бошланган тadbир давомида Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Хайрулла Лутфуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Аҳмаджон Шукуров, Мансур Тошматов ва бошқа хушовоз хонандалар, «Чаман», «Шодлик», «Зарафшон», «Наво» дасталарининг мароқли чиқишлари йиғилганлар дилини хушнуд эт-



ди. Одатдаги хизмат ташвишларидан бир муддат ҳоли қолган милиция ходимлари ва уларнинг оила аъзолари томонидан қизгин кутиб олинган «Ялла» дастаси санъаткорлари, ичакузди ҳангомалари билан олқишга сазовор бўлган қизиқчилар Шерқўзи Ғозиев, Тоҳиржон Саидовлар ўзгача қувонч улашдилар.

Кечада хайрия лотореяси ҳам ўйналди. Омад кулиб боққанларга музлатгич, чангютгич, китоблар тўплами, кийим-кечак, пой-афзал ва бошқа ноёб буюмлар насиб этди.

Барча иштирокчиларда фақат илиқ таассурот қолдирган хайрия кечасидан тушган маблағ хизмат бурчини ўташда азиз умрини қурбон қилган ходимлар оилаларига, ногирон бўлиб қолганларга, фахрийларга ёрдам беришдек эзгу мақсадларга ишлатилди.

Ғайратжон БОЛТАБОВЕВ.
(Жумҳурият милицияни қувватлаш жамғармаси фаолиятига оид суҳбат билан рўзномамизнинг 4-бетида танишасиз).

НИЯТ ХОЛИС

Халқ билан алоқани мустақамлаш, милицияга бўлган ишончни ошириш, меҳнаткашларнинг дардига қўлоқ солиш, оғирини енгил қилиш борасида кўпгина тadbирлар ўтказилди. Ҳозирги дориломон кунларга етиб келиш насиб этмаган, хизмат бурчларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳамкасбларимиз Муҳаммадали Аҳмаджонов ва Шарифжон Пулатовлар, шунингдек, Афғонистонда йигитлик бурчларини ўташ вақтларида қаҳрамонларча жон берган 11 нафар йигитларимиз шарафига ўтказилган Хотира кечалари, қишлоқ Кенгашлари, маҳаллалардаги учрашувлар, отахонларимиз билан бўлган мулоқотлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ички ишлар бўлимидаги етакчи хизмат вакилларининг жиноятчилик ва тартиббузарликка йўл қўймаслик борасида олиб бораётган ишлари тўғрисида меҳнаткашлар олдига ҳисоб беришлари одат тусига кирди. Ҳисоб бериш вақтида меҳнаткашлардан тушган шикоятлар, таклиф ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилиб, кундалик фаолиятимизга татбиқ этилди.

Милиция ходимларининг жойларда ўтказилаётган маросимларда иштирок этишлари туманимиз халқи томонидан илиқ кутиб олинди ва маъқуллашмоқда. Биз кундалик иш фаолиятимизда маҳалла комитетлари, ҳўжалик раҳбарлари ҳамда ташкилотларнинг фаолларига таяниб иш кўрдик. Кўпгина ташкилот, корхона ва жамоа ҳўжаликлари раҳбарлари ички ишлар бўлимига яқиндан ёрдам кўрсатдилар. «Коммуна» жамоа ҳўжалиги раиси Валижон Абдуллаев, Навоий номили жамоа ҳўжалиги раиси Шерхон Турсунов, Киров номили жамоа ҳўжалиги раиси Янгийой Турсунов, «Шарқ юлдузи» жамоа ҳўжалиги раиси Уктамжон Бекмирзаев, 123-автокорхона директори Ғуломжон Мелибоев, МПМК-100 ташкилоти бошлиғи Абдулатто Абдураззоқов ва МПМК-101 ташкилоти бошлиғи Султонали Раҳмоновлар ҳар ишда бизга камарбаста бўлдилар.

Содир бўлган ҳар бир жиноятни, аниқланган тартиббузарликни келтириб чиқарган шарт-шароитлар чу-

қур таҳлил қилиниб, ўз вақтида кўпчилигига етказиб турилди. Бу борада ошқораликка катта аҳамият берилди. Участка инспектори милиция майори Акрамжон Умаровнинг ташаббуси билан ички ишлар бўлимида матбуот гуруҳи ташкил этилди.

Рўзномаларда милиция ҳаётига, у олиб бораётган ишларга оид кўпгина мақола ва хабарлар мунтазам бериб боришмоқда.

Шулар билан бир қаторда туманимиздаги барча қишлоқларда фойдали меҳнат билан шуғулланмай юрган шахсларни, қидирувда юрган жиноятчиларни, наркотик ўсимликларни парвариш қилаётган фуқароларни ва бошқа турдаги тартиббузарларни аниқлаш борасида «Комплекс» тadbири ўтказилди. Тенгиришлар жараёнида юзага чиққан камчиликлар халқ ўртасида муҳокама қилиниб, тегишли чоралар белгиланди.

Амалга оширилган тadbирлар ўз натижасини берди. Ўтган йилда умумий жиноятчилик 6,2 фоизга, оғир турдаги жиноятлар сони 5,2 фоизга камайди. Судланганлар, ишламай юрганлар, маст ҳолдаги ва вояга етмаган ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони кескин қисқарди. Содир бўлган жиноятларнинг очилиши 84,3 фоизни ташкил этди. Қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик, номусга тегиш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш ва фирибгарлик каби оғир жиноятларнинг камайишига эришилди. Ўлим билан боғлиқ йўл-ўлов ҳодисалари, қасддан фуқароларнинг мулкига ўт қўйиш, шахсий уловларни олиб қочиш, ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш, гиёҳвандлик каби жиноятлар ҳам 1990 йилдагига нисбатан кам содир этилгани маълум бўлди.

Тартиббузар содир этган ҳар бир ноқўя ҳатти-ҳаракат халқ ҳўқмига ҳавола қилинди. Уларга солинадиган жаримадан кўра халқнинг иззаси кўпроқ таъсир қилиши билинмоқда.

Кўпчилик ходимларимиз меҳнати ва касбига фидойчилиги билан халқимиз хурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда. Булардан давлат ав- (Давоми 2-бетда).

Қўллаб-қувватланди

Яқинда пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 111-мактабда катта йиғилиш бўлди. Унда мураббийлар жамоаси билан биргаликда туманининг Аллон, Шарқ ҳақиқати, Чимбой, Обид Содиқов, Янги турмуш маҳаллаларида яшовчи юздан ортиқ ота-оналар қатнашдилар. Йиғилиш мавзуи ҳозирги кунда ёшлар ўртасида тобора ўсиб бораётган жиноятчиликнинг, ичкиликбозликнинг олдини олишга қаратилганди. Бу ҳақда кекса ўқитувчи Ҳамидулла Даминов ўз маърузасида батафсил маълумот берди. Шу билан бирга тўй-ҳашамларни спиртли ичимликларсиз ўтказиш, ўсмирларни назоратсиз қолдирмаслик хусусида таклифлар бил-

дирди:

Туман ИИБ бошлиғи милиция полковниги Б. Сиддиқов эса ота-оналар эътиборини ўсмирлар жиноятчилигига қаратди. Бола тарбиясида ота-оналар, кексаларнинг таъсирини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Сўзга чиққан маҳалла кексалари ҳам ёшларни урф-одатларимиз, анъаналаримизга таянган ҳолда тарбиялаш зарурлигини ўқитдилар. Бу қизиқарли йиғилишни уюштирган мактаб директори, кекса ўқитувчи Ҳожиакбар Курбонов уни яқунлар экан, бундай тadbирларни тез-тез ўтказиб туриш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда иштирок этган ота-оналар ҳам шу фикрни қўллаб-қувватладилар.

А. ТОЛИПОВ.

ХАЙРИЯ ҲАШАРИДАН ХАБАРЛАР

ИИБ девони зобитлари бир кунлик иш ҳақлари — 62 минг 540 сўм пулни Наврўз жамғармасига ўтказдилар.

Самарқанд вилояти ички ишлар идоралари ҳам ушбу кунда ободонлаштириш ишларида актив иштирок

этди. Улар 350 туп мевали, 250 туп манзарали дарахт, 500 туп гул кучатлари ўтказдилар.

ИИБ жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг кўпчилик ходимлари эса худди шу кун эл осойишталигини муҳофаза қилиш

Ички ишлар вазирлигидан хайрия ҳашари ўтказиш ташаббусига биричилардан бўлиб қўшилган «Қўриқлаш» бирлашмаси ходимлари катта иштиёқ кўрсатишди ушбу кун. Улар ИИБ қошидаги болалар боғчасида ободончилик ишларини олиб боришди, шунингдек, фахрий ходимларнинг аҳолидан хабар олиб, томорқаларидаги юмушларини бажаришда ёрдам беришди. Ҳашарда 100 фоиз иштирок этган бирлашма зобитлари Наврўз жамғармасига бир кунлик иш ҳақлари — салкам 3 минг сўм пулни ўтказдилар.

Шунингдек, Наврўз телемарафонига ҳам 7 минг сўм пул ўтказиш, ИИБ қошидаги болалар боғчаси тарбияланувчиларига совға-саломлар топшириш режалаштирилмоқда.



учун Тошкент шаҳар ИИБ ходимларига ёрдам беришди.

СУРАТЛАРДА: ҳашардан лавҳалар.

Исмоил МИНАВВАРОВ ва Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

НИЯТ ХОЛИС

(Боши 1-бетда).

томобиль назорати бўлими-си бошлиғи милиция катта лейтенанти Содиқжон Деҳқонов, ДАНБ ходимларидан милиция кичик лейтенанти Холдорали Қамбаров ва оддий милиционер Илҳомжон Абдуллаев, ёнғиндан сақлаш назорати бўлими бошлиғи ички хизмат капитани Абдурашид Буронов, ИЖК бўлиминининг катта оперативли милиция капитани Тоҳиржон Имомов, катта терговчи милиция капитани Раҳматалли Жўраев, паспорт столи бошлиғи милиция капитани Муҳаббатхон Саминова, участка инспекторларидан милиция капитани Ҳамзажон Қурбонов ва милиция катта лейтенанти Носиржон Деҳқоновлардир.

Аммо бу билан биз ўтган йилни силлиққина яқунладик, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, ечиммай қолган муаммолар талайгина. Жиноятчиликнинг айрим тувлари, масалан, фуқаролар мулкани ўғирлаш, қасддан баданга енгил тан жароҳати етказиш, безорилик, давлат мулкни форибгарлик йўли билан талон-торож қилиш, наркотик ўсимликларни экиш ва парваришлаш каби жиноятлар сони ортгани маълум. Содир бўлган жиноятлардан 2 та давлат мулкни, 7 та фуқаролар мулкни ўғирлаш фактлари, 5 та мол, 4 та мотоцикл ўғирлиги, 1 та қасддан баданга тан жароҳати етказиш ва 1 та фуқаро мулкига ўт қўйиш жиноятлари очилмай қолди. Жамоат жойларида содир бўлган жиноятлар сони ҳам ортган. Шунингдек, майда чайқовчилик, ичкиликбозлик, спиртли ичимликлар билан савдо қилиш, қиморбозлик, фойдали меҳнат билан шуғулланмаслик каби тартиббузарлик фактлари ҳам кўпайган. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, дўкон пештахталари бўм-бўш бўлиб турган бир пайтда айрим шахсларнинг бола-чақалари ризқини қийиб, қимор ўйнашлари ҳеч қандай қоллига тўғри келмайдиган ишдир. Шундай оғир шароитда, нарх-навоининг осмонга чиққан бир даврида топганини ичиб, инсонийлик қиёфасини йўқотиб юрганлар-чи? Ахир, уларнинг ҳам оқлавлари, фарзандлари борку? Уларнинг олдида бир килограмм гўшт ёки рўзгорга керакли бирор нарса кўтариб бориш ўрнига «хушёрхона»га тушса, яна жарима ҳам тўласа...

Айрим ота-оналар фарзандларига бўлган эътибор ва талабчанлики сусайтириб юбормоқдалар. Натижада кечалари мақсадсиз тенгираб юривчи, бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа таклиф қилинмаган тўйларга борувчи, текканга тегиб, тегмаганга кесак отувчи, спиртли ичимлик истеъмол қилувчи, эркатойлик қилиб транспорт бошқариб, отонаси бошига гавго ортирувчи ёшлар сони камаймаяпти. Рўй бераётган кўпгина нохуш ҳодиса ва воқеаларга юқоридаги каби фактлар сабаб бўлмоқда.

Ички ишлар бўлимининг фаолиятида ҳам ўз ечимини кутаётган талайгина муаммолар мавжуд. Туманимиз милициясидаги мавжуд оператив техникалар, алоқа воситалари, транспортлар талаблар даражасида эмас. Ҳозирда ишлаб турган автомашиналарга қўйиш учун ёнилги (бензин) етишмайди. Туманимиз жамоа хўжаликлари ташкилотларидан илтимос қилиб олинган ёнилги факатгина навбатчилик қисмидаги автомашинага етади,

холос. Қолган автомашина ва мотоциклларга умуман берилмайди. Алоқа воситалари ҳам шундай. Ҳаммаси эскирган, талаб даражасида эмас, жойлардаги участка инспекторлари билан алоқа ҳам йўқ даражада. Оператив техникалар тўғрисида гап юритилмайдиган бўлса... биз фақат орзу қиламиз, холос. Ҳаво телефонлари (рациялар) ишламайди, фотолаборатория йўқ.

Оддий бир мисол. Йўлов ҳодисалари рўй берган вақтда эксперт ахтариб, Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимига ёки вилоят ички ишлар бошқармасига борамиз. Кўпгина ҳолларда улар ишлари кўпчилиги туфайли ўз вақтида келиша олмайдилар. Натижада ҳодиса жойи юзакни кўздан кечирилади. Бу эса кўпгина жиноятларнинг очилмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Ҳеч кимга сир эмас, кейинги вақтларда қўшни туман ва вилоятларга турли хил мусобақалар пайтида жамоат тартибини сақлаш учун бўлимининг ходимларини ташкилий равишда олиб боришга тўғри келмоқда. Ўтган йил давомида бундай ҳоллар кўп бўлди. Ҳозирга келиб бўлимининг 123-автокорхонадан катта миқдорда қарз. Чунки улардан ҳар доим автобуслар сўралган, ҳозир ҳам олинмоқда.

Қўл қовуштириб ўтирмасдан муаммоларни ўз кучимиз билан ечишга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирги кунда бўлимининг 15 та от олишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ходимлар ўртасида уларнинг жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишлари учун махсус тайёргарлик ишлари кучайтирилди. Келгусида кундалик ишмишда ишлатиш учун видеокамера, оператив техника олиш учун имконият қидирмоқдамиз.

Бўлимининг учун давлат банкида махсус ҳисоб очиш учун бормасан жойимиз қолмади, лекин ҳамма ерда бюрократия деворига дуч келавердик. Агар ўзимизнинг ҳисобимиз очилганда эди, пул топиб, истаган нарсани олиш имкониятига эга бўлар эдик. Ахир, бизга ёрдам бермоқчи бўлган корхона ва ташкилотлар кўплаб топилади.

Ўтган йилда ходимларимизга яратилиши лозим бўлган шароитлар, ҳал қилинмаган муаммолар тўғрисида туман Кенгаши ва иккинчи комитети раҳбарлари билан бўлган мулоқотда айтилган эди. Бу раҳбарлар, ёрдам кўрсатишга ваъда беришган. Лекин ҳанузгача ўзгариш йўқ.

Янги йилда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларимиз ичида милиция билан халқ оммаси ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш биринчи ўринда турбиди. Маъмурий идоралар раҳбарлари ва етакчи ходимларнинг халқ билан бевосита мулоқотларини, учрашувларини ташкил қилиш ва марҳум Минавваржон Самитжонов хотирасига бағишланган спортнинг футбол тури бўйича турнир ўтказишни режалаштирғанмиз. Олдимизда турган муаммоларни вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарларининг бевосита ёрдамлари билан ҳал қилишга эришамиз, камчиликларни бартараф этамиз, деган умиддамиз.

Ҳа, ниятимиз холис, мақсадларимиз улур. Токи милициямиз чинакамга халқ милицияси бўлиб қолсин. Ана шунга эришиш йўлида Бувайда тумани милицияси ҳар қандай қийинчиликларни енгишга қодир.

Нуриддин АХМЕДОВ,
Бувайда тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи милиция майори.



1974 йилда Чимкент шаҳрида ССЖИ ИИВнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари учун зобитлар тайёрловчи янги махсус мактаби очилган эди. Содиқжон ушбу мактабга биринчилардан кириш имтиҳонларини муваффақиятли топириб, курсант бўлди. Уқув давомида ҳуқуқий ва ижтимоий фанларнинг сермашаққат чўққиларини эгаллаш билан бир қаторда, ўзини жисмонан чинқитириб борди. Икки йил ҳам орадан кўз очиб юлгунча ўтиб, 1976 йилнинг кузида ҳуқуқшунос-зобит сифатида Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасига хизматга келди. Содиқжонни Шайхали қўғонидида ўша пайтлар бутун жумҳурия-тимизда намунали муассаса, деб тан олинган ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасига отряд бошлиғи этиб тайинлашди.

Содиқжон ўзининг қобилияти, ишбилармонлиги ва тиришқоқлиги билан доимо ҳамкасбларидан ажралиб ту-

ҚАТТИҚҚҮЛ ЎРИНБОСАР

рарди, шунинг учун бўлса керак, муассаса маъмурияти унга катта ишонч билдириб, амалий бўлимни бошқаришни таклиф этди. У бу ерда ҳам тер тўкиб, виждонан меҳнат қилди, ўнлаб очилган жиноятлар, сақлаб қўрилган минглаб сўмлар, давлат ва фуқароларнинг мулклари, энг асосийси, қайта жиноят қилишдан асралган инсонлар тақдири бу сермашсул меҳнатнинг самараси.

Билимга чанқоқлиги, ўз устида тинмай ишлаши Содиқжонни 1982 йилда Тошкент шаҳридаги ССЖИ ИИВнинг олий мактабига етаклади.

Ундаги ишбилармонлик ва талабчанлики кўрган Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти Қарши шаҳар тергов ҳибсхонаси бошлиғининг тартибот ва амалий ишлар бўйича ўринбосарлигига лойиқ топди.

Ушбу лавозимда у ўзининг ташаббускорлиги ва хўжалик ишларини оқиллик билан амалга оширишини исбот этди. Аввало муассаса ҳудуди неча ўн йиллардан буён йиғилиб ётган ахлатлардан тозаланди, бу ерга сув келтирилиб, анвойи гуллар ва мевали кўчатлар экилди, муассаса ёрдамчи хўжалигида чўчка, қуён ва товук кўпайтирила бошланди. Ходимлар ва махсус таркиб ўртасида интизом кучайтирилди. Тан олиш керакки, Содиқжоннинг бу хайрли ишлари махсус таркиб билан тил бириктириб, тинимсиз ноқонуний алоқа қилиб юрган баъ-

зи бир ходимларига хуш ёқмади. Бир неча бор «қаттиққўл ва террорчи» ўринбосар устидан турли ташкилотларга «юмалоқ» хатлар ёзилди, лекин Содиқжоннинг қатъий кураш олиб бориши натижасида хизматдошлар ўртасидаги бундай иллатларга чек қўйилди. Бир неча назоратчилар билан хайрлашишга тўғри ҳам келди.

1987 йилнинг машҳур 13 январий Содиқжон ва унинг оила аъзолари юрагида абадий муҳрланиб қолади. Худди шу кунни унинг сеvimли қизчаси, ҳали олти ёшга тўлмаган Умида ўғирлаб кетилди (бу ҳақда батафсил рўномамизнинг олдинги сонларида баён қилган эдик —муҳар.). Лекин ҳаётнинг бу аччиқ сабоғи эсанкиратиб қўймади, у ўзини қўлга олди.

Ҳозирги кунда муассасада яхши йўлга қўйилган анъаналар, тарбия ва тартибот ишларида унинг муносиб улуши бор. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир маҳбусни куннинг қайси вақти бўлишидан қатъий назар қабул қилади, муаммоларни зудлик билан ҳал этишга уринади.

Дарҳақиқат, ички хизмат подполковниги Содиқжон Исмоловдай фидойи ва жонкуяр инсонлар ораимизда кўп бўлса, нур устига аъло нур бўлар эди.

ЧОРИ САТТОРОВ,
ички хизмат капитани.
Қарши шаҳри.

Операция якунланди

Жиноятчиликка қарш курашишда Гулистон шаҳар ИИБ ходимлари кейинги вақтларда ижобий натижаларга эришмоқдалар. Булар шахсий таркибнинг сермашаққат меҳнати, ишнинг кўзини кўра билишлик самарасидир, албатта. Мана яқинда бир ой муддатга чўзилган «Комплекс» операцияси ниҳоясига етди. Бу операция барча йўналишларни ўз ичига олиб, унда 147 нафар ички ишлар ходими иштирок этди. Тадбир мобайнида жуда кўп қонунбузарлик ҳоллари, жиноятлар аниқланди.

170 дан ортиқ корхона, муассаса ва бошқа объектлар текширилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тегишли идора раҳбарларига хатлар чиқарилди.

Участка вакиллари ҳам жуда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Уларнинг ҳаракатлари туфайли бир қанча маъмурий назоратда бўлиш шарт бўлган муқаддам судланганлар, баълоғат ёшига етмаган ҳуқуқбузар ўсмирлар, бола тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналар аниқланди. Шунингдек, битта фоҳишахона, 13 нафар суюқоёқ аёллар рўйхатга олинди, қонунга хилоф равишда сақланаётган 15 та ўқотар қурол мусодара қилинди.

Шу ой давомида 823 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланди, тегишли чоралар қўлланилди.

ДАН ходимлари томонидан 3042 та йўл ҳаракати қондалари бузилишига тегишли чоралар қўлланди. Умуман олганда натижа бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Шомурот БАВАНОВ,
Гулистон шаҳар ИИБ шахсий таркиб ишлари бўйича ходими милиция катта лейтенанти.



ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ



Олдин хабар берганимиздек, Тошкент ўрта махсус милиция мактабида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Илгарилари бундай конференция ва учрашувлар тез-тез ўтказилиб туриларди, чунки улар бўлгуси зобитларнинг мустақил иш бошлашларида катта ёрдам беради. Кейинчалик мактаб раҳбарияти ва ўқитувчиларнинг кўнимсизлиги натижасида бу ишлар бирмунча четга суриб қўйилган эди. Раҳбарлар алмашиши муносабати билан ўқув ишларида бироз бўлса-да, жонлини сезилмоқда. Бўлиб ўтган конференциянинг ташкиллаштирилиши ҳам ўзгариш томон қўйилган қадмлардан биридир.

Конференцияда ИИВдан масъул ходимлар иштирок этишиб маърузалар қилишди, мактаб талабаларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди. Бир сўз билан айтганда, бу учрашувдан кўзда тутилган мақсадга эришилди.

Мирхон МИРАҲМЕДОВ,
милиция капитани.

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон Жумҳуриятининг «Савдодаги сунистеъмолликлар ва чайқовчилик учун жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги қонунини бажаришда ИИБ ходимлари олдиндаги муаммолар» мавзусидаги илмий-амалий конференциядан лавҳалар.

Сураткаш Зокир ОЧИЛОВ.

Рўзноманинг 27 февраль сонида «Милиционер ҳам одам» сарлавҳаси остида эълон қилинган бир аёлни дорд-ли хатини ўқиб чиқдим. Мен унинг ёзганларига 100 фоиз қўшиламан, шу билан бирга ўз фикр-мулоҳазаларимни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Ўзим ҳам милиция ходимининг, яъни ички ишлар терговчиси милиция катта лейтенантининг рафиқасиман. Уч қизимиз бор. Турмуш ўртоғим ТошДДнинг ҳуқуқшунослик факультетини битирганлар. 1986 йилдан буён ички ишларда. Аввал оддий милиционер, 1989 йилдан бошлаб терговчи вазифасида ишлаб келмоқдалар. У киши билан фахрланаман, чунки улар темир интизомли, жонкуяр, ўз ишининг фидойиси. Лекин бир вақтининг ўзида доим хавотир олиб ўшайман. Чунки жонини тикиб ишлайдилар. Иш вақти чегарасиз. Эрта азонаб, то ярим тунгача, баъзида икки, уч кунлаб қолиб кетадилар. Баҳона битта: иш кўп. Ҳар бир терговчининг қў-

«МИЛИЦИОНЕР ҲАМ ОДАМ»

лида 20 тадан жиний иш ва ҳар бирининг белгиланган муддати бўларкан. Албатта, уларга ҳам қийин. Тушликка уйга келиб кетишга вақтлари бўлмайди. Болаларини баъзида ҳафталаб кўрмайдилар (уйғоқ демоқчиман), чунки ишдан келганларида улар ухлаётган бўлади. Ишга кетаётганларида яна уйқуда бўлишади. Бундан ташқари қариндош-уруғ, борди-келди, ота-онанинг аҳволидан хабар олиш, меҳмон кутиш, ҳаттоки яқин кишиларнинг ўлимига бориш ҳақида гапирмай қўяқолай. Турмуш ўртоғимнинг қўлидан ўнлаб инсонларнинг тақдирини ўтади, шуларни ўйлаб кунни-кун, тунни-тун демай ишлайдилар, уйқу-оромдан кечадилар, шу билан бирга одамгарчиликдан чиқиб қолмоқдалар. Тушунган одам тушунади, тушунмаганлар у

кишидан жуда хафа бўлишади.

Рост-да, яқинларнинг тўю-маъракасида бўлмасалар, яхши-ёмон кунига ярамасалар, бундақа одам кимга керак? Давлатга!!! Ҳозирги вақтда милиция ходимининг ҳаёти етарлича ҳимояланмаган, ишининг вақти-соати чегарасиз, шанба-якшанба, байрам нималигини билишмайди. Ит ётиш, мирза туриш, деган ҳаёт уларники. Соғлиги, асаби ишдан чиқади уларнинг. Хотин, бола-чақасини-ку гапирмай. Ҳеч бўлмаганда бир ойлик дам олиш отпусчасини тинч ўтказишса, одамга алам қилмас эди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, яқинда хўжайиним дам олишга чиқдилар. 10 кун ўтар-ўтмас бир милиционер қақриб келди, ёлгон гапиришга тўғри келди: «Уйда йўқлар», — дедим. Бир ярим ой дарвозани беркитиб

ўтирдик, ростини айтсам, кўрқдим яна ишга қақриб қолишмасин деб. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, шу дам олишми энди?

Хуллас, ёзаверсам гап кўп. Шу ўғай милицияни (ўғай, деганича бор Мукаррамахоннинг) ҳам ўйлаб, ишини, турмушини яхшилайдиган вақтлар келармикини?

Биз, хотинларга эса сабр-тоқат бобида ҳеч ким олдимизга туша олмайди. Сабрининг таги олтинлиги-ишончимиз қачон қачон бўлади? Билмайман. Лекин бир илтижо билан яшайман, илоҳим болаларимнинг дадаси соғ-омон бўлсинлар! Кўзи-кўзимга ҳар кунни тушсин, яхшилардан йироқ, ёмонларга яқин бўлмасинлар! Худо мададкор бўлсин!

АЗИЗАХОН,
Сирдарё шаҳри.

Милиция кичик лейтенанти Мухтор Рустамов 1973 йилдан бери Тошкент тумани ИИБда халқ озоиш-талиги йўлида ишлаб келаётир. У ҳозирги пайтда участка вакили сифатида жамоатчилик билан яқиндан алоқа боғлаган ҳолда меҳнат қилиб, ўзига бериқтилган ҳудудда жиноят содир бўлмаслиги учун бор имкониятини сарфламоқда. Ўтган йили содир этилган жиноятларнинг барчасини очи-пишига эришди.

СУРАТДА: М. Рустамов милиция кичик сержанти Убайдулла Ҳусанов ва жамоатчилик вакили Саидумар Сотволдиевларга кундалик топшириқ бермоқда.



А. НАЙМУШИН олган сурат.

ҚОЗОНИ ҚАЙНАМАДИ

— Опа, сизда қора чой топиладими?

— Сиз учун наинки қора чой, анқонинг уруғини ҳам топиб берман, опаси.

— Унда 10 қути беринг. Кенжагул Жўримбетова харидор Мурод Нормуродовга ҳар бири 50 граммлик қора чойдан «ҳада» қилиб, битта қизил ўн сўмликни олди. 1 сўм қайтарди. Шу пайт осмондан тушдими, ердан чиқдими, иқтисодий жиноятчилик билан кураш ходими пайдо бўлди. Оқибатда 24-дўкон му-дирига Янгийўл тумани халқ суди томонидан 400 сўм жа-рима солинди.

Ҳ. МАҲКАМОВ.

ДАРДНИ ПАНЖАРА ДАВОЛАЙДИ

Эркин илгари ўзрилиги учун судланганди. Унинг шериги Қаҳрамон эса ўзрилиги қилганди-ю, ўрага сичқон тушди қабилида бўлганди. Вироқ қинғир ишнинг қийини қирқ йилда ҳам чиқади, деганлар.

Уларни ягона мақсад — пул топиш бирлаштирди. Икковлон Бухоронинг хилват кўчаларида тентирайдиган одат чиқаришди. Кимсасиз кўчада ёлғиз келаётган Т. Матёкубов уларнинг диққатини тортди. Оғайинлар унга пичоқ ўқталиб, таҳдид солишга ўтдилар. Йигитчанинг бор-йўқ 50 сўминини қоқиштиришди.

Аммо Т. Матёкубов улар ўйлаганчалик лақма эмас экан. Дарҳол милицияга хабар берди. Пул топиш дардига мубтало бўлганлар панжара ортида ундан халос бўлишса, ажабмас.

М. ИСРОИЛОВА.

«ЯВА»ЛИ ЙИГИТ

Ёмон кўрган одамнингга мотоцикл совға қил, дейишади. Бу сўзининг замирида аччиқ киноя бор.

Урта Чирчиқ туманидаги Қорасув қишлоғида истиқомат қилувчи Фурқатнинг Тўйтепага боргиси келиб қолди. Ақасининг «Ява»сида йўлга тушди.

Фалокат оёқ остида, деб бежизга айтишмайди. Қолаверса, бу «Ява» деганлари ҳам секин юриш учун чиқарилмаган-да. Катта йўлда ўқдек учиб бораётган йигит йўл четида автобус тўхтаб турганини кўрган бўлсада, секинлатгиси келмади. Ақсига олгандай бир аёл йўлга чиқиб қолса бўладими... Фурқат унинг йўл четига бориб тушганини англаб қолди, холос. Қаттиқ жароҳат олган аёл уч ярим ой мобайнида шифохонада ётиб даволанди. «Ява»ли йигит икки йил муддатга ахлоқ тузатадиган бўлди.

М. ҲАКИМОВ.

БЕДАРАК ЙУҚОЛГАННИНГ ТАҚДИРИ



пиб, унинг нилини кесиб қўйган эди. Абдураззоқни қишнинг қаҳратон тунида маст қилиб ичириб, далага олиб боради ва ичини қамнишлар босган каналнинг бўйида орқасидан отади, ҳадеганда ўлавермагач, қорнига пичоқ уриб, ваҳшийларча чавақлайди. Ҳаммаси пухта ўйланган эмасми, у довидирамай уйининг орқасида турган бўл-дозерни ҳайдаб келиб, жасадни қалин тупроқ билан кўмиб юборади.

Тергов жараёнида Ғулом кўрсатган жойдан Абдураззоқнинг мурдасини

яна трактор билан қазиб олишга тўғри келди. Ушбу жиноятнинг баъзи қирраларини аниқлаш учун Бекобод шаҳрига борган ЖҚБ оператив ходимлари 1991 йилнинг март ойида шу шаҳарда, яъни марҳум Абдураззоқ яшаган уйнинг қўшни йўлкасида орқасидан пичоқ уриб ўлдирилган Абдуғани деган шахснинг иши билан танишиб қолдилар. Ургутда содир қилинган жиноят ва ушбу қотилликнинг нозик ўхшаш томонларини ил-ғаб, буни ҳам Ғулом со-дир қилган бўлиши мум-

кин, деган хулосага кел-дилар. Ўтказилган опера-тив-қидирув ҳаракатлари ушбу хулосани тасдиқла-ди. Марҳум Абдуғанининг хотини М. ҳам Ғуломни 3000 сўм пулга ёллаб, эрини ўлдириб беришга кўндиради. У иккинчи ури-нишда бу «вазифа»ни ҳам қўйилмақом қилиб «удда-лайди».

Бир қарашда ушбу жи-ноятларнинг очилиши од-дийдек бўлиб кўринса-да, бунинг замирида ИИБ жиноят қидирув бўлин-маси ходимларидан ми-лиция майори Ш. Убайдул-лаев, милиция капитани М. Ҳақимов, тергов ҳа-ракатларини олиб борган ту-ман прокурори Ёрдамчиси Н. Ҳусановларнинг уйқу-сиз тунлари, чеккан заҳ-матлари ётади.

Яқинда бўлиб ўтган ви-лоят суди мажлисида уш-бу қотилликлар кўрилиб, асосий айбдор Ғулом Нор-мўминов олий жазога, ик-ки марҳумнинг «умр йўл-дошлари» М. ва Н.лар 8 йилдан озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилдилар.

С. ШЕРАЛИЕВ,
Ургут тумани ички ишлар бўлими ЖҚБ оператив вакили ми-лиция катта лейтенанти.

ҚУТЛАЙМИЗ



Ўзбекистон ИИБ штаби (Ўрдаси) ташкилий-штат ишлари бўлимининг ало-ҳида топшириқлар бўйича катта инспектори ички хиз-мат подполковниги Жанна Степановна Ульяновна ички ишлар идораларида 1960 йилдан буён ишлаб кел-моқда.

Ўтган вақт мобайнида у бошлиқлик таркибининг тур-ли лавозимларида хизмат қилди. ИИБ молния-режа-лаштириш бўлимининг ре-жалаштириш бўлинимаси, меҳнат ва иш ҳақи бўлин-маси бошлиқлари бўлиб, 1977 йилда эса катта ин-спектор, кейинроқ алоҳида топшириқлар бўйича катта инспектор этиб тайинлан-ди.

Дўстлари, ҳамкасбалари Жанна Степановнани иш-чанлиги ва юксак касб ма-лакаси учун чуқур ҳурмат қилишади.

Ўзбекистон ИИБ ўрдаси ходимлари Жанна Степа-новнани 60 ёшга тўлиши муносабати билан қизғин қутлашади ва тиним бил-мас аёлга бор эзгу тилак-ларни билдиришади.

Азиз дадажонимиз, ми-лиция майори Нурхон Саҳатов 17 март куни туғилганлар. Биз у ки-шини чин дилдан қут-лаб, узоқ умр, сиҳат-са-ломатлик ва хизмат му-ваффақиятлари тилаб қоламиз.

РАФИҚАСИ ВА
ФАРЗАНДЛАРИ.

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!

МУКОФОТГА 10 МИНГ

СЎМ АТАЛГАН

Зарафшон шаҳар ички ишлар бўлими томонидан 1981 йилда туғилган Кристина Қаҳҳоровна Қодирова қидирилмоқда. 1988 йил 2 декабрь куни шаҳардаги 1-мактаб яқинида нотаниш шахс уни яшил рангли «За-порожец» машинасига ўт-қазиб, номаълум томонга олиб кетган.

Уша вақтдан буён ўтка-зилган қидирув ишлари натижа бергани йўқ. Зараф-шон шаҳар ИИБ жиноят қи-дирув бўлинимасига тушган маълумотларга қараганда, К. Қодирова Самарқанд ви-лоятининг Хатирчи, Кат-тақўрғон туманларида ёки Бухоро вилоятида яшаси, номлари тилга олинган жойлардаги мактабнинг 4-ёҳуд 5-синфида рус ё ўз-бек тилида ўқиши мумкин.

БЕЛГИСИ: бўйи 130 см. бўлган, жигарранг сочлари жингалак.

Зарафшон ички ишлар бўлими ЖҚБ барча фуқа-ролардан Кристина Қоди-ровани қидириб топишда ёрдам беришларини илти-мос қилади. Шунинг эслатиб ўтамизки, қизнинг онаси бу борада кўмаклашган кишиларга 10.000 сўм му-кофот пули атаган.

Кристина Қодирова ҳа-қида бирон-бир маълумотга эга бўлган кишилардан бу тўғрида энг яқин ми-лиция бўлимига «02» ра-қамли телефон орқали ха-бар беришларини сўрай-миз.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

БИР ФОЖИА ТАРИХИ

... Махфуза ўзига ўт қўйди. Яна бир неча кундан сўнг ўрта мактабни битириб, ҳаётга йўлланма олиш арафасида турган қизни сўнги йўлга кузатишди. Биргина Карима опанинг хонадониде эмас, балким бутун қишлоқда мотам...

Барча ҳайрон. Қишлоқдаги қизлар орасида ўзининг одоби, самимийлиги билан кўпларга ўрнак, қолаверса, мактабда ҳам аъло баҳоларда таҳсил қўраётган Махфуза нега ўзини ёқди экан?! Марҳуманинг таъзиясида қатнашган туман ички ишлар бўлимининг тажрибали ходими Абдулла Олимовни ана шу жумбоқ қизиқтирди ва ниҳоят... «тугун» ечилди.

Фожианинг бош сабабчилари — Махфузанинг ўз тоғаси Мўмин ва унинг хотини Ҳадича эканликлари аён бўлди. Пул, бойлик, молу дунё орттириш йўлида ҳар қандай жирканч қабиҳликлардан қайтмайдиган эр-хотин Махфузанинг умрига зомин бўлди. Улар олий ўқув юртиларидан бирида ишлаётган профессор Шокир Қосимовнинг «ишончи»ни қозониш мақсадида жиянлари Махфузани унинг арзанда ўғлига «қўшиш» режасини туздилар. Бу шум мақсадга эса бор-йўғи икки кун орасида эришилди.

Қишлоқдан тоғасиникига меҳмон бўлиб келган Махфуза эркатой Фарҳод томонидан зўрланди. Ҳадича мева шарбатига «кўнор қўшиб тайёрланган ичимликни Махфузага «мақтаб» ичиргач, бироз фурсат ўтиб ёш қизча ўзини тўшакда кўрди. Профессорнинг тарбиясиз ўғли Фарҳод «пайт»дан фойдаланиб, ифлос ниятини амалга оширди.

Ҳўш, кейин-чи? Бундай фахш ишлар билан «суяги қотган» Фарҳод ўзини «билмаган» ва «кўрмаган»га солиб жўнаб кетди. Ҳимоясиз, «қўшмачилик» қурбони бўлган Махфуза эса бу ҳўрликка чидай олмади, албатта...

... Яқинда Каттақўрғон шаҳридаги Абдулҳамид Маждий номли ўзбек давлат драма театрининг аҳил ижодий жамоаси таниқли драматург, ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг «Ўзинг учун ўл етим» деб номланган икки пардали асарини муваффақиятли саҳналаштирди. Асар юқоридаги воқеалар асосидадир. Тўғри, бу каби фожиалар биз учун «янгилик» эмасдек туюлади. Аммо тажрибали муаллиф мазкур асари билан бундай аянчли фожиаларга барҳам бериш пал-

ласи қачонлардир етганлигини бот-бот таъкидлайди, одамларни ҳўшёрликка чақиради. Зеро, ор-номус, виждон, одамийликни пулга, обрў орттиришга алмашаётган ифлос шахслар орамизда талайгина. Эндигина мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистонимиз бундай нопоклардан тозаланмоғи керак. Жиноятчиликка қарши қонунларимиз эса го-ят заиф, жўн. Лоқайдмиз. Қўнғилчанлигимиз бошга бало бўлмоқда...

«Ўзинг учун ўл етим» драмасини театр режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иброҳим Нурмонов саҳналаштирди. Саҳнадаги жозибали «қурилиш»лар чизгиси театрининг бош мусаввири Ноила Қораева мўйқаламига мансуб.

Туман ички ишлар бўлими ходими Абдулла Олимов родини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ўтаев ишонarli талқин этаётди. Етакчи санъаткорлардан Дилором Эгамова, Тохир Халилов, Шамсиддин Эргашев, Муҳаббат Йўлдошева, Низом Қодиров, Умрзоқ Тиллаев, Носир Сайфиев ва жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар Ширин Мусаева, Абдугани Абдураззоқовлар ўзларига топширилган ижобий, салбий ролларни маромига етказишган. Спектаклнинг илк кўригида таниқли шоир, драматург Машраб Бобоев, санъатшунос Маҳмуджон Исроилов, Ўзбекистон маданият вазирлиги санъат бошқармаси ходими Шўҳрат Ризаев, танқидчилар Бурҳон Исломов ва Баҳодир Шаропов ҳамда Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлимининг вакиллари қатнашиб, асарнинг саҳналаштирилиши ва ижросига, актёрлар маҳоратига юксак баҳо беришди. Жузъий камчиликлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, милиция ходимларининг жонбозликлари, шижоатлари ҳақидаги асарларимизга саҳналаримиздан кенг ўрин ажратилиши хусусида таклифлар киритилди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ,
Каттақўрғон шаҳар халқ театри режиссёри.

Узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг Ўзбекистон ИИБ ЖҚБ бўлимининг собиқ бошлиғи истеъфодаги милиция полковниги Владимир Дмитриевич ШИМАНСКИЙ вафот этганлиги муно-

сабати билан Ўзбекистон ИИБ ҳайъати, шахсий таркиби ва фахрийлар Кенгаши марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ИИБ олий мактаби командири ва бутун шахсий таркиби мактаб ходими милиция майори В. Р. Дмит-

риенкога отаси Р. Н. ДМИТРИЕНКОнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўтган йилнинг декабрь ойида милицияни ҳимоя қилиш жумҳурият хайрия жамғармаси ташкил топган эди. Жамғарманинг ҳозирги кундаги фаолияти ҳақида батафсил билиб олиш ниятида унинг раиси, иқтисод фанлари номзоди, милиция капитани Хуршид Ёдгоров билан суҳбатлашдик.

— Айтингчи Хуршид ака, ушбу жамғарманинг тузилишига нима сабаб бўлди? Ўзи милиция халқни ҳимоя қилади, деймиз. Наҳотки ҳимоячига ҳам...

— Ҳа, милиция ҳам ҳимояга муҳтож бўлиб қолади. Авваламбор милиционер ҳам одам эканини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Улар хизмат вазифасини ўтаётганларида ҳаёт-

хил спорт мусобақалари ўтказиш учун 22 минг сўм ажратдик. Бундан ташқари жамғармаимизда тижорат бўлимини очаямиз, қурилиш цехи очиб ҳам назарда тутилаяпти. Тижорат дўкони милиционерлар учун имтиёзли хизмат қилади, қурилиш цехи эса уларнинг уй-жойини таъмирлаш ишларида ёрдам беради. Шунингдек, ташқи алоқаларимизни ҳам мустаҳкамлаямиз. Яқинда Хиндистондан 20 нафар полициячи бизга тажриба алмашгани келади. Сўнг биз у ёққа ўз милиционерларимизни юборамиз. Туркия ва Американинг Сизтл шаҳри билан ҳам ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузишни режалаштираямиз.

тида тушунишни истардим...

— 1988 йил аспирантурани тугатгач, Тошкент Олий милиция мактабиде дарс бера бошладим. Дастлаб ишга келганимда, у ердагилар мендан: «Милиция кийимини киясизми?», — деб сўрашди. Мен уларга: «Милиция нонини ейдиган бўлсам, унинг формаси билан ҳам фахрланишим керак», — деб жавоб бердим. Ушбу жамғармани тузаётганимда, мени дўстларим ҳар хил тушунишди. «Сенга нима етишмаяпти?», — деганлар ҳам бўлди. Тўғри, менда ҳамма нарса бор. Оилам, қизим. Ойлик маошим икки мингга яқин. Лекин менга бир нарса етишмасди, бир муаммо қийнардим мени. Ҳар хил тоифадаги одамлар, ҳар хил касб эгалари ўзларининг ташкилотига эга. Уларни оғир кунларда ҳимоя қиладиган суянчиги бор. Бизда-чи?

Биз биргалашиб ўзимизга ўзимиз ёрдам бермасак, ким ҳам бош қотарди милиция ҳаёти ҳақида? Шу сабаб ўз олдига ушбу жамғармани тузишни мақсад қилиб қўйдим. Ва мана кўриб турганингиздек... Олдинлари яқшанба кунини тоқатсизлик билан кутардим. Ҳозир эса яқшанбада зерикаман. Ишимни, болаларни соғинаман. Яхшиям турмуш ўртоғим мени тушунади. «Милиционернинг аёли ҳаммасига кўникиши керак», — дея овутиди ўзини. Менинг яна бир орзуим бор. Милиционерларга клуб учун бир бино ажратилса, эски бўлса ҳам майли, ўзимиз таъмирлаб олардик. Фақат ҳар доим ишини ўйлайдиган, дам олиш, байрам кунлари ҳам оиласи билан бирга бўлолмайдиган милиционерларнинг маданий дам олиши учун шароит яратиб берилса бўлди. Уша клубда ҳар хил байрам кечалари, учрашувлар, маърузалар уюштириб турардик. Яна бир гап: «Постда» рўзномаси муҳарририяти ҳам ўша клуб биносида жойлашса яхши бўларди. Бемалол кириб, дардимизни айтиб турардик.

— Моддий ёрдамга муҳтож экансизлар. Сизларга ёрдам бериш иштиёқида юрган виждонли инсонлар қайси ҳисобга пул ўтказишлари мумкин?

— Ҳисоб рақамимиз 700005 Ўзинкомбанк «Ипак йўли» ҳисоб рақами 700161201, ҳисоб маркази Г-В код 172682701.

— Суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Суҳбатдош
Шайдо ХУДОЕРОВА.

«ЯҚШАНБАДА ЗЕРИКЯПМАН»

ларини хавф остига қўйишади. Баъзи бир жиноятни очишда ҳалок бўлган, бир умрга ногирон бўлиб қолган милиционерлар бор. Лекин вақт ўтиб, улар ҳақида, уларнинг оилалари ҳақида маълумот олиб бўлмай қолади. Шу сабаб биз Хитойдагидек бирлашма тузишни лозим топдик. Хитойда бир маҳаллани ўғирлар ҳар доим талон-торож қилиб кетавераркан. Ушанда одамлар бирлашишга қарор қилишибди. Маҳаллани қўриқлашибди ва ўғирлардан қутулишибди. Бундан хабар топган полициячилар ҳам биргалашиб бир ташкилот тузган экан. Биз ҳам шу йўлдан бориб, дастлаб Тошкентда, фақат шаҳар миқёсида ўтган йилнинг май ойида шу жамғармани тузган эдик. Бу нарса кўпчиликка маъқул келди чоғи, жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятлари ҳам бизга келиб қўшила бошлади. Жумладан, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Жумҳурияти, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида жамғармаимиз бўлимлари мавжуд.

— Қилинаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Жамғарма ташкил топганда биринчи қилган ишимиз ҳалок бўлган милиционерларнинг оилаларини йиғиб, хотира кечасига ўхшаган бир тадбир уюштирдик. Уларнинг ҳар бирига 200 сўмдан пул ажратдик. Тошкент олий милиция мактабига ҳар

— Маблагини қаердан олаяпсиз?

— Дастлаб бизни таъсис этувчи ташкилотлар таъминлаб турди. Лекин ҳозирги кунга келиб, ўз кунимизни ўзимиз кўришга тўғри келаяпти. Боя айтганимдек, тижорат бўлимини очаямиз, бошқа жумҳуриятлар билан алоқаларимизни мустаҳкамлаямиз. Шу борада бизни қийнаётган бир масала тўғрисида гапиришни истардим. Бу солиқ масаласидир. Агар ҳукуматимиз биздан солиқ олишда энгиллик берганда эди, шу маблаг ҳисобидан милиция учун замонавий техникалар сотиб олардик.

— Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган фожиада кимни айбдор деб биласиз?

— Бу саволга ҳукумат комиссиясигина аниқ жавоб бериши мумкин. Лекин бутун милицияни қоралаш нотўғри бўларди. Чунки яна таъкидлайман, милиционер ҳам одам боласи. Бошқалардан фарқи — улар тинчлик посбонлари, тўполон, уриш-жанжаллар бўлмаслиги учун курашадиган кишилар. Талабалар йиғила бошлаганда ҳам улар ўша ерга чиқиши мумкин бўлган бирон-бир жанжал олдини олиш ниятида боришган.

— Хуршид ака, кўпинча сизларни фақат милиционер сифатидагина биламиз. Ўйлантираётган муаммо, яшаш шароити ҳақида қизиқмаймиз. Мен эса сизни оддий инсон сифа-



А. НАЙМУШИН олган сурат.

Ҳозирги замон жиноятчилиги билан кураш милиция ходимларидан кўп нарсани талаб этади. Жумладан, улар жисмонан чиққан ва тезкор бўлишлари, ўзларига биркирилган қўролдан моҳирона, ўз ўрнида фойдалана билишлари керак. Бунинг учун эса тез-тез қўролни амалда қўллаш қонун-қондаларини эслаб туришга тўғри келади.

СУРАТДА: Қибрай тумани ИИБ жамоат тартибни сақлаш бўлимида бошлиғи милиция капитани Зоҳид Мусаев бир гуруҳ милиция ходимларига тўшпонча қисмларини тушунтирмоқда.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029,
Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, мухбирлар бўлими — 59-26-56, 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.
44272 нусхада чоп этилди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ»
нашриёт-матбаачилик концерни
босмахонаси. 700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

• Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. • Мақолада келтирилган рақамлар, фантлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. • Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. • Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.